# БОЛАЛАР ЦЕРЕБРАЛ ФАЛАЖЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ЭМЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Д.М.Мухаммаджонова**
Андижон давлат тиббиёт институти Неврология кафедраси доценти

**Долзарблиги.** Болалар церебрал фалажлиги (БЦФ) ривожланиб бормайдиган, марказий нерв тизимининг эрта шикастланиши оқибатида юзага келадиган ҳаракат бузилишлари гуруҳидир. Бундай болаларда нафас мушаклари ва ютиш рефлексининг бўшлиги, аспирация, ўпканинг вентиляцияси пасайиши ва озиқланишнинг етишмаслиги сабабли нафас йўллари инфекциялари (пневмония, грипп, пневмококк ва гемофил инфекциялари) оғир кечади ва ўлим сабабларининг асосий қисмини ташкил этади. Шунга қарамай, амалиётда БЦФ диагнозининг ўзи эмлашдан асоссиз «тиббий четланиш» учун сабаб қилиб олинади, натижада бу болалар инфекцияларга нисбатан ҳимоясиз қолади.

**Мақсад.** БЦФ бўлган болаларни эмлашнинг асосий тамойилларини, эҳтиёт чораларини ва қарши кўрсатмаларини ёритиш.

**Асосий қоидалар.**

1. **БЦФ эмлаш учун қарши кўрсатма эмас.** Касаллик тараққий этмайди, шу сабабли бола миллий эмлаш календари бўйича эмланиши лозим. Эмлаш инфекция хавфи юқори бўлган бундай болалар учун устувор аҳамиятга эга.
2. **Календардан ташқари қўшимча эмлашлар.** Мавсумий гриппга қарши йиллик эмлаш, пневмококк инфекциясига қарши эмлаш (хавф гуруҳлари учун тавсия этилган схема бўйича), зарур ҳолларда менингококк инфекциясига қарши эмлаш тавсия этилади. Бола билан яқин муносабатда бўлган оила аъзоларини эмлаш ҳам ("кокон" стратегияси) муҳим.
3. **Эпилепсия ва талваса синдроми.** Назорат остида бўлган эпилепсия эмлаш учун қарши кўрсатма эмас. Тутқаноқлар тез-тез такрорланаётган, назорат қилинмаётган ёки касаллик авж олаётган даврда эмлаш неврологнинг хулосасига кўра барқарор ҳолатга эришилгунча кечиктирилади. Эмлаш арафасида ва кейин зудлик билан тутқаноққа қарши дориларнинг режасини ўзгартириш тавсия этилмайди. Иситма билан боғлиқ талваса хавфи (айниқса, қизамиққа қарши эмлашдан кейинги 5–12 кунларда) ҳисобга олиниб, ота-оналарга иситмани назорат қилиш бўйича йўриқнома берилади.
4. **Эмлашга тайёргарлик.** Эмлашдан олдин педиатр ва невролог кўриги, ўткир касалликнинг йўқлиги, озиқланиш ҳолати ва қабул қилинаётган дориларни баҳолаш шарт. Иммунитетни сусайтирувчи даволаш (узоқ муддатли юқори дозали кортикостероидлар ва б.) олаётган болаларда тирик вакциналар қўлланилмайди.
5. **Юбориш техникасининг хусусиятлари.** Мушак контрактуралари, атрофия ва сончанок бўғимидаги ўзгаришлар сабабли болани қулай ва хавфсиз ҳолатда ушлаш, игна узунлигини мушак массасига қараб танлаш ва юбориш жойини (одатда сонннинг олд-ён юзаси) тўғри белгилаш зарур. Ботулотоксин инъекциялари ёки операциялардан кейин эмлаш вақти шифокор билан келишилади.
6. **Кузатув.** Эмлашдан кейин камида 30 дақиқа тиббий кузатув ташкил этилади. Ота-оналарга ножўя реакцияларнинг белгилари ва қачон шифокорга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади.



© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

**Хулоса.** БЦФ бўлган болаларни эмлаш хавфсиз ва жуда муҳим профилактик чоралардир. Индивидуал ёндашув, невролог билан ҳамкорлик, қарши кўрсатмаларни тўғри баҳолаш ва ота-оналар билан тушунтириш ишлари эмлаш қамровини оширади ҳамда нафас йўллари инфекцияларидан келиб чиқадиган асоратлар ва ўлим хавфини камайтиради.

**Калит сўзлар:** болалар церебрал фалажлиги, эмлаш, иммунопрофилактика, эпилепсия, пневмококк инфекцияси, грипп.



© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.